



2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 октябрь куни 2021 йилга мўлжалланган давлат бюджети параметрлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Коронавирус пандемияси кўпгина режаларга жиддий таъсир кўрсатди. Лекин қабул қилинган қарорлар ва ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида жорий йилги бюджет параметрлари ижроси таъминланмоқда. Бу эса пандемия оқибатларини бартараф этишга 13,4 триллион сўм маблағ йўналтиришга имкон берди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилги бюджетни режалаштиришда пандемиянинг давом этиши, жаҳондаги иқтисодий фаоллик пасайишини инобатга олиш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорлик ва белгиланган бюджет тушумлари тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Бунинг учун 2021 йили иқтисодиётда камида 5,1 фоиз, жумладан, саноатда 5,8 фоиз, хизматлар ва қурилишда 6,5 фоиздан ўсишга эришиш керак бўлади. Инфляция даражаси ва бюджет дефицитини прогноз кўрсаткичларидан оширмастик ҳам муҳим.

Мутасаддиларга ушбу вазифалар бўйича топшириқлар берилди. Яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда 600 минг иш ўрнини легаллаштириш, 53 та идоранинг маълумотлар базасини интеграция қилиш, маркировка қўлланиладиган маҳсулотлар турини кенгайтириш ҳисобида бюджетга қўшимча маблағлар тушириш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Ириқ корхоналарда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Мисол учун, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш ҳамда ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш орқали акциз солиғидан қўшимча 500 миллиард сўм маблағ тушириш имкони мавжуд. Шу билан бирга, электр энергияси билан ички бозордаги эҳтиёжни узлуқсиз таъминлаш ҳисобида қўшилган қиймат солиғидан қўшимча 250 миллиард сўм бюджетга даромад тушиши кутилмоқда.

Энергетика вазирлигига шу бўйича кўрсатмалар берилди. Транспорт вазирлигига кейинги йили қатновларни тиклаш, янги маршрутларни очиш ҳисобида бюджетга тушумлари 2019 йилдаги кўрсаткичларга етказиш вазифаси қўйилди. Пандемия шароитида ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлар жорий

йилга нисбатан камида 15 фоизга оширилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, кейинги йилда мактабгача таълим қамрови даражасини 70 фоизга, бунда хусусий сектор улушини 25 фоизга етказиш мақсад қилинган. Халқ таълими вазирлигига бюджетдан ажратмалар 16 фоизга оширилади. Мактабларни тезкор интернетга улаш бўйича биринчи марта бюджетдан 100 миллиард сўм, жиҳозлашга 200 миллиард сўм йўналтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, илм-фанни ривожлантириш концепцияси доирасида келгуси йили Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига бюджетдан 2 барабар кўп маблағ ёки 100 миллиард сўм ажратилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасига қарийб 20 триллион сўм, шундан коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун 3 триллион сўм ҳамда дори-дармон хараидига 1,8 триллион сўм белгиланиши кўзда тутилган.

Илк бора онкогематологияга қарийб 90 миллиард сўм ажратилмоқда. Шунингдек, тамаки савдосидан олинган акциз солиғининг 7 фоизи Онкогематология ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўшимча маблағларга ўтказиб берилди. Шу билан бирга, келгуси йилда биринчи марта гемодиализга муҳтож касалларга тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини 100 фоизга етказиш учун 130 миллиард сўм йўналтирилади.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий нафақа олувчи муҳтож оилалар сони жорий йил бошига нисбатан 2 барабарга оширилиши белгиланди. Келгуси йил 1 январдан ягона ижтимоий реестрни барча ҳудудларда ишга тушириб, ижтимоий нафақалар ажратиш тизимини тўлиқ автоматлаштириш зарурлиги кайд этилди.

Тадбиркорлик дастурлари доирасида 3 триллион сўмдан ортиқ субсидиялар берилиши мўлжалланмоқда. Бундан

ташқари, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармасига 250 миллиард сўмдан маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Янги иш ўринлари очиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобида кам таъминланганлар сонини қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир муҳим жиҳат — келгуси йили чин етим болаларни уй-жой билан таъминлаш учун бюджетдан биринчи марта 30 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Мутасаддиларга бу борада янги тартиб ва рўйхатлар ишлаб чиқиш топширилди.

Бюджетни шакллантиришда маҳаллий кенгашилар ваколатларини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Худудлар ўзи учун қўшимча резервларни аниқлаши, уларнинг ҳисобида жойлардаги муаммоларни ҳал қилишга ўрганишлари мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди. Президент Шавкат Мирзиёев бюджет харажатлари очик-ошкор бўлиши, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона сарфлаши кераклигини таъкидлади.

Яна бир муҳим масала — молиявий интизом ва назоратни кучайтириш. Молия вазирлигига ташиқлотларда ички аудит тизимини мустаҳкамлаш, ноқонуний харажатлар ва камомадларга йўл қўймастик бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан буён харажатлар таркиби ва натижадорлиги давлат идораларининг расмий сайтларида эълон қилиш тартиби жорий этилади ва бунга амал қилмаган раҳбарларга жарима қўлланилади. Буни Олий Маҳлис палаталари ва маҳаллий кенгашилар назорат қилади.

Бош вазир ўринбосарларига кейинги йил учун марказлашган, хорижий ва хусусий инвестиция дастурларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йил якунигача ва келгуси йилда бюджет кўрсаткичларини таъминлаш бўйича мавжуд хавф-хатарлар ва уларни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни маслаҳатчи Сума Чакрабарти иштирокида мамлакатимизда ислохотлар дастурини узоқ муддатли истиқболда давом эттиришнинг стратегик йўналишларини кўриб чиқди.

Чуқур ва ҳар томонлама таҳлил асосида, илғор халқаро амалиёт ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва янгиланишларини самарали давом эттиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатдошлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва бошқарув кадрлари сифатини

тубдан ошириш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОЙИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърини ва насрий асарларини юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоян бўлиб, ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шоир туғилган қутлуг 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш аънанаси қарор топди. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида қўллаб-қувватлаш олим бўрилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили

ва адабиёти университети ташкил этилгани, мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ҳайкаллари ўрнатилгани, асарлар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилгани, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг муаззам меъморий ёдгорлигига мунтазам равишда Адиблар хиёбони барпо этилгани маданий ҳаётимиздаги улкан воқеаларга айланди.

Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги тақдирлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ; Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савидада ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Давоми 2-бетда

Бугуннинг гапи

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тарихга бир назар

Маълумотларга қараганда, кўш батареялари, яъни ёруғлиқни электрга айлантириш дастлаб француз физиги Александр Эдмонд Бекерел томонидан 1842 йилда кашф этилган. 1883 йилда америкалик ихтирочи Чарлз Фриттс офтоб нуруни электрга айлантириш учун кимёвий унсур — селендан фойдаланишни тақдир қилди. Селен асос бўлган қурилманинг усти ўта юпқа олтин билан қопланди. 1984 йилда дунёда дастлабки кўш батареяси Нью-Йоркдаги бинолардан бирининг томига ўрнатилди.

1948 йилга келиб “Bell Laboratories” фирмаси томонидан электр токчини ишлаб чиқаришга мўлжалланган биринчи кўш батареялари яратилгани эълон қилинди. 10 йилдан сўнг, яъни 1958 йил 17 мартда АҚШда кўш панелларидан фойдаланадиган сунъий йўлдош — “Vanguard I” фазога кўтарилди. 1958 йил 15 майда соёқ иттифоқ ҳам шундай қурилмалар билан ишлайдиган “Спутник-3” сунъий йўлдошини учирди.

Давоми 2-бетда



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Мамлакатимиз ўзининг тўрт фасли бетакрор табиати, ер ости ва усти нодир бойликлари билан етти иқлимга маълуму машҳур бўлиб келган бўлса, эндиликда унинг янги ноёб хусусиятлари — офтобли осмонни, шамолли кенгликлари, тезоқар дарёлари, биологик манбалари ҳам шухратини янада оширишга хизмат қилиши мумкин.

Қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқаришнинг 97 фоизи кўш энергияси улушига тўғри келади. Хусусан, офтобли кунлар йилига ўртача 320 кун ва фаол кўш нурлари тушиши давомийлиги 3 000 соатни ташкил этиши

боис, юртимизда унинг қуввати йилига 525-760 миллиард кВт. соатгача етади. Шамол энергетикасиники эса 500 ГВт.нн ёки амалдаги энерготизимдан 30 барабар кўп бўлган муқобил қурилмаларни жойлаштириш имконини беради.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК соҳасидаги янги стратегиялар 3

МЕҲР КУЙЧИСИ ёки узилган киприк абад йўқолмас 6

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

“ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!”

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Қимда-қим ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва хоҳишларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тутсин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ханим йўлдошев олган сурат.

5-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил декабрда қадар Алишер Навоий ижодий меросининг шарҳини яратиш ишларини якунига етказсин ҳамда уларни "Навоий ва ёшлар" махсус дастурида жойлаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этсин;

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйсин.

академияси, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Навоий шаҳрида "Алишер Навоий ижодий меросининг башариат маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ҳамда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали адабий-баддий анжумани юқори савияда ўтказсин.

унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий ва оммабоп китоблар туркумини чоп этиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Баддий академияси ва Республика "Хунарманд" уюшмаси 2021 йил февраль ойда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларини ўтказсин.

Бугуннинг гапи

"ЯШИЛ" ЭНЕРГЕТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бошланғич 1-бетда

1963 йилда Япониянинг "Sharp" компанияси саноат асосидаги қуёш батареяларини ишлаб чиқаришга ўтиши билан ундан наинки космос соҳасида, балки оддий истеъмолчиларнинг фойдаланишлари учун ҳам йўл очилди. Орадан йигирма йил ўтиб, АҚШнинг "Pacific Gas & Electric" концерни марказлашган тармоқ орқали 500 кВт етказиб берадиган илк электр станциясини ишга туширди.


баларининг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

нубий Африка, Россия, Испания, Норвегия ва Франциядан 23 та компания катнашди. Уларнинг 11 таси дастлабки саралашдан ўтди. Тижорат тақлифлари бешта компания, яъни "AcwaPower" (Саудия Арабистони), "Jinko Power" ва "Aljohah Energy&Water Consortium" (ХХР/Саудия Арабистони), "Masdar" (БАА), "TBEA Xinjiang Sunoasis Co.Ltd" (ХХР) ва "Total Eren" (Франция) томонидан тақдим этилди. Талабгорларнинг техник ва тижорат тақлифларини ўрганиш ҳамда баҳолаш натижаларига қура, 1 кВт/соат ишлаб чиқарилган электр энергияси учун 2,679 АҚШ центи тарифи билан қурилмиш муддатини 12 ой этиб белгиланган "Masdar" (БАА) компанияси биринчи босқич қолиб, деб топилди. БАА экспертлари фикрича, бу қуёш электр станцияси йилга 260 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

си қурилмоқда. У 2023 йили фойдаланишга топширилади. "Masdar" Абу Даби амирлигининг "Mubadala Investment Company" инвестициявий ҳолдинг шўба компанияси ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича дунёдаги етакчи халқаро бирлашмалардан бири ҳисобланади. У амалга оширган инвестиция лойиҳалари портфели қайта тикланадиган манбалардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 4000 МВтдан ортиқ қувватни ўз ичига олади.

топган "ACWA Power" компанияси сувни шўрсизлантирувчи қурилмалар ва электр станциялари ишлаб чиқарувчиси, инвестори ва оператори сифатида дунёга донг таратган. Ҳозирги кунда Янги Шарқ, Африка ва Жануби-Шарқий Осиёдаги 12 та мамлакатда самарали фаолият юритмоқда. Компания

аукцион савдолар механизмини жорий этиш зарурати, биринчи навбатда, республика иқтисодий манфаатлари билан изоҳланади, — дейди энергетика вазири ўринбосари Шерзод Ходжаев. — Мазкур рақобат танлови механизми танлов жараёнини рақамлаштириш ва сўнги қарор қабул қилишда коррупциявий омилларни бартафат этган ҳолда инсон омиллини камайтиришга қаратилган бўлиб, бу пировардида қайта тикланадиган энергия учун янада минимал



Мамлакатимиз қайта тикланадиган энергия манбалари лойиҳаларида қатнашиш бўйича яхши шартларни тақлиф қилган йирик компаниялар билан бевосита музокараларни фаол давом эттирмоқда. Масалан, "Tota Eren" (Франция) компанияси томонидан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида фотозлектр станция тикланади. Жами қуввати 100 МВтли бу иншоотни барпо этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Яқин келажакнинг устувор йўналишлари

Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги қарориди Ўзбекистонда 2030 йилда қайта тикланадиган энергия ман-

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.



буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

Аукцион савдолар регламенти

Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги фармони ва шундан кейин қабул қилган қарорлари асосида Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари асосида электр энергиясини генерация қилиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) шартларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида аукцион савдолар регламенти тасдиқланди.

буларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда қўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 МВт бўлган қуёш электр станциялари ва 3000 МВтга тенг бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

Жамият – ислохотлар ташаббускори

ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ —

фуқаро, жамоат ташкилотлари, давлат бирлигини мустақамловчи янги институт



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
ижрочи директори

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва таркиби йўқолади”, дея бундан олти аср муқаддам таъкидлаган эди. Ушбу ўғит бугун, XXI асрга келиб ҳам ўз мазмун-моҳиятини, долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бинобарин, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи ва ҳимоя қилувчи Конституция ва қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш Ўзбекистонда амалга ошириладиган сиёсий жараёнларда энг устувор мақсад этиб белгиланган.

Албатта, бу ўринда қонунларнинг амалиётда ишлаши муҳим жиҳат ҳисобланиб, уларнинг ижроси таъминланишида эса жамоатчилик назорати институтидан самарали фойдаланиш тақозо этилади. Аслида жамоатчилик назорати юртимизда узоқ ва қадимий тарихий илдизларга эга. Бу институт бизда қадим-қадимдан оқсоқоллар кенгаши кўринишида намён бўлиб келган. Бу кенгашлар маҳаллалар-

такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, бу борадаги ишларни яхлит тизим асосида ташкил этиш имконини беради. “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя илгари сурилган мазкур фармонга мувофиқ, марказда ва барча ҳудудларда олий мақомда ташкил этиладиган Жамоатчилик палатасининг энг асосий вазифаси фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини



даги ободонлаштириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш, ҳаммаша оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд қарамаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланганидан жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган.

Уз даврида гуллаб-яшнаган Амир Темур салтанатининг энг катта ютуғи ҳам Соҳибқироннинг “Темур тузуқлари”да таъкидланган “Давлат ишларининг тўққиз улусини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улусини қилич билан амалга оширдим”, тамойили билан боғлиқ, десак муболага эмас.

Бугунги кунда ҳам айнан жамоатчилик назорати орқали фуқаролар ва жамоат тузилмалари жамият ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топишга эришадилар. Демак, жамоатчилик назорати институти янги Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этишнинг муҳим воситасидир.

Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самардорлигини таъминлашда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутди. Мазкур институтнинг давлат органлари ходимлари қонунга риоя этиб, вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишида таъсир доираси юқори эканини кейинги вақтларда аяқол кўриб турибмиз.

Жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, давлат назоратидан фарқли равишда унинг асосий мақсади кимнидир жазолаш ёки кимгадир чора кўриш эмас, балки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, давлат дастурларида кенг жамоатчилик томонидан шакллантирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифларни акс эттириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатларининг ҳимоясини, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни, давлат хизматларининг самарали кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади.

Шу маънода, Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, уларнинг асосланган тақлифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидлаб, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Мурожаатномада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбуриятини аниқ белгилаш, жамоатчилик маъқул деса — маъқул, но-маъқул деса — номаъқул бўлиши кераклиги айтиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда айнан жамоатчилик назорати институти фаолиятини

фаоллаштириш, давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашишдан иборат бўлади.

Шунингдек, мазкур палата Президент ва Олий Мажлисга фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий ҳисоботларни тақдим этиб бориши, Конституцияга ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги тақлифлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим ва долзарб масалаларга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Ўз навбатида, давлат органларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига қирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан тушунтириш бериш талаби билан Жамоатчилик палатаси сўровини юбориши ваколати ҳам берилмоқда.

Палата фаолиятининг асосий йўналишлари эса давлат, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилшини таъминлаш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштириш ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашиш, аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва уларнинг ечимини буйича тақлифлар киритиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишдан иборат бўлади.

Жамоатчилик палатаси фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқади. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини йўлга қўйди, муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиб боради. Фуқаролар, ННТлар ва ОАВ вакиллари, блогерларнинг ОАВларда сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, “жамоатчилик эшитиш”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик мониторинги” каби таъсирчан замонавий назорат шакллари ҳаётга жорий этиш, ислохотлар ва давлат дастурларининг жойларда, шунингдек, соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштириш, тавсиялар ва

Жамоатчилик палатаси фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқади. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини йўлга қўйди, муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиб боради.

натижалар ҳақида Президент, парламент ва ҳукуматга мунтазам ахборот киритиб бориш ҳам палата фаолиятининг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ушбу ташкилот мамлакат ташқи сиёсатининг устувор вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг нуфузли халқро раётинларда эгаллаган ўрнини яхшилашда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда хориждаги ватандошлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, ННТларга халқро ҳамкорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиб боради.



Чиндан ҳам, давлат органларининг самарали фаолият юритиши, пировардига мамлакатнинг жадал тараққий этишида жамоатчилик назорати институтининг ўрни бекиёс. Жамоатчилик палатасининг Президент ҳузурида мутлақо янги институт сифатида ташкил этилишидан қўзланган мақсад ҳам фуқаро — жамоат ташкилотлари — давлат бирлигини мустақамлаш орқали халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг халқдан узоқлашишининг олдини олиш, Конституцияимизда белгиланган халқ ҳокимияти принципини амалда рўёбга чиқаришга қаратилган.

Таъкидлаш жоиз, айни вақтда мамлакатимизда 9 200 дан ортик нодавлат нотижорат ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, аскарятни жамият ҳаётида ўз ўрни ва ролини тополмаган, фаолияти сезиларли даражада эмасди. Эндликда Жамоатчилик палатаси ана шу ташкилотлар ишига ҳам зарур ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, уларнинг бундан буюн самарали фаолият юритишига ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Бу, ўз навбатида, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун нормаларининг ижроси таъминланишида, хусусан, таъсирчан жамоатчилик назорати орқали давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мустақамлаш, халқимизнинг давлат бошқарувида самарали иштирокини амалга ошириш, одамларнинг ҳуқуқий билимларини, ҳар бир шахснинг юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси, фаол фуқаролик позициясини, шунингдек, нодавлат ташкилотларнинг ташаббускорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги босқичдаги прагматик ислохотлар самараси туфайли жамиятда жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда кучайди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг

раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабат туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилаётгани барчага аён ҳақиқат.

Аммо очик тан олиш керак, жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланган фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари томонидан бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳозирча бугунги кун талаблари даражасида эмас.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан олиб борилган мониторинг ишлари ва таҳлиллар натижаси жамоатчилик назорати аксар ҳолларда номигагина, қуруқ расмийлик учун қоғоздагина ташкил этилгани, реал ҳаётда бу институтнинг ўрни ва роли деярли сезилмаётганидан далолат бермоқда.

Айниқса, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитиш, мониторинги, экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этилувчи ҳокимият органларининг бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш каби жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонун билан белгиланган қўйилган саккизта шаклдан умумли фойдаланилмапти. Шу жумладан, жамоатчилик эшитиш, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби нормалар деярли ҳаётга жорий этилмапти.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокамаси буйича жамоатчилик эшитишларини ўтказиш юзасидан қонуний ваколатга эга бўла туриб, бу нормани амалиётда ишлатишга етарли эътибор қаратилмапти.

Яқин вақт ичида фаолият бошлаши кутилаётган Жамоатчилик палатаси юқоридаги каби камчиликларни бартараф этишда ҳам алоҳида ўрин туттиши, шубҳасиз. Яъни палата томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар ўртасидаги

ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустақамлашга кўмаклашиш, уларга мунтазам тегишли маслаҳат ва тавсиялар бериб бориш ҳам бу борадаги сый-ҳаракатлар самарадорлиги кучайишига хизмат қилади.

Жамоатчилик палатасининг фаолият бошлаши “Тараққиёт стратегияси” маркази учун ҳам айни муддаодир. Марказ палата билан фаол ҳамкорлик қилишни, жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини кучайтириш, бу борада илғор хорижий ва халқро тажрибани ўрганиб, амалиётга жорий этиш, ушбу йўналишларда илмий-амалий тадқиқотлар ва илмийлаштириш қилиш, ишлаб чиқилган тегишли тақлиф ва тавсияларни бериб боришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, ҳар йилги давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва умумхалқ муҳокамасидан ўтказишда миллий ва халқро жамоатчиликни кенг жалб этиш, қабул қилинган давлат дастурлари ва муҳим аҳамиятга молик бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторинг қилиб бориш юзасидан ҳам Жамоатчилик палатаси билан биргаликда фаол иш олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ.

Мухтасар айтганда, жамоатчилик назорати ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилади. Мазкур институт мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат давлат томонидан қаролатилгани, балки давлат органлари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Ушбу эзгу мақсадлар рўёбиде эса мутлақо янги институт сифатида ташкил этилаётган Жамоатчилик палатасининг ўрни ва роли бекиёсдир.

Муносабат



Интеллектуал мулк соҳасидаги янги стратегиялар



Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Интеллектуал мулк агентлиги директори

Миллий брендларнинг яратилиши, ихтироларнинг тижоратлашуви, илм-фан ривожига, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига, қолаверса, аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Шу боис, жамиятда илм-фан салоҳиятини юксалтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ҳамда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Куни кеча Президентимиз томонидан интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йилгиликда соҳада бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва иштиқболдаги вазифалар чуқур таҳлил қилинди. Тизимдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш учун асосий вазифалар белгиланди. Хусусан, ҳар бир давлат идорасига соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш юзасидан ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларини олиб кириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз миллий бренд яратиш масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Дарҳақиқат, бугун миллий бренд маҳсулот яратиш ва уни жаҳон бозорига тарғиб этиш мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодий нуфузига таъсир кўрсатади. Қолаверса, интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш мукамал маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотишда катта даромад олиш имконини беради.

Миллий брендинг яратилишига ҳисса қўшадиган интеллектуал мулк муҳитини тубдан янгилаш керак. Ҳар бир идора ва тармоқларга интеллектуал мулк объектларини киритиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш лозим. Жумладан, Интеллектуал мулк агентлиги барча соҳаларда 3 йиллик дастурларни ишлаб чиқишда тўлиқ ҳамкорликни амалга оширади. Хусусан, миллий

брендлар қандай яратилиши, уларнинг миллий ва халқро рўйхатдан ўтказилиши буйича барча соҳа ва тармоқлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатади ва уларга амалий ёрдам кўрсатади.

Демак, биз бугун интеллектуал мулк соҳасини тубдан ислоҳ қилиш буйича истиқболдаги режаларни амалга оширишимиз керак. Хусусан, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий ҳимояни янада кучайтириш мақсадида Адлия вазирлигининг штатлар доирасида ва ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда худудларда 28 та штат бирлигидан иборат бўлган интеллектуал мулк муҳофазаси марказларини жорий этиш лозим. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш учун интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш мuddатларини кескин қисқартириш имкониятларини яратувчи тезкор экспертиза тартибини жорий этиш зарур. Яна бир муҳим масала — қишлоқ хўжалиги маданияти ва анъанавий хунармандчилик соҳаларида миллий брендини ривожлантириш мақсадида “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш бугунги кундаги энг катта вазифаларимиздан бўлиб турибди.

Ингилишда давлатимиз раҳбари томонидан муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Бу бекиш эмас. Ҳозирги кунда муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши долзарб масалага айланиб бормоқда. Езувчиларнинг асарлари муаллифлик ҳақи тўланмасдан, оммавий иқтимоий тармоқларда, асосан telegram тармоғи орқали, ҳамда “қароқчи” сайтларда тезкорлик билан тарқалиб кетяпти. Бу эса муаллифнинг ўз асарини қонуний даромад олишига катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Агар муаллифлар ўз асарларидан қонуний даромад олмас экан, бу соҳада катта тўсиқ бўлишига олиб келади.

Демак, бу каби ҳолатлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг интернет тармоғидаги ҳимоясини тўлиқ таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳада жавобгарликни кучайтириш заруратини кўрсатади. Бунда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг жамоавий асосда бошқарув буйича бандига қўшимча киритиш керак. Яъни муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича 5 та мулклий ҳуқуқни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тизимли ва самарали ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш долзарб вазифадир.

Хулоса қилиб айтганда, бугун биз янги ғоялар ва инновацияларни амалда тарғиб этишда жаҳон тажрибасини қўллаган ҳолда интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришимиз, бу борада пухта тузилган стратегик режа ишлаб чиқишимиз лозим. Зеро, бу соҳадаги ишлар жамиятни инновацион ривожлантириш ва юксак тараққиётга эришишда муҳим омили бўлиб хизмат қилажак.



Адиблар хиёбонидаги ўйлар

МЕҲР КҮЙЧИСИ

ёки узилган киприк абад йўқолмас

Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулум номини дунё танийди, чунки у ўз асарлари билан ИНСОННИ УЛУҒЛАДИ. Инсонга дини, ирқи, миллати нуқтаи назаридан эмас, унинг қалби, мезонига асосланиб қараш лозим, деган фикрларни баралла айта олди.

Унинг уруш йилларида яратилган "Мен яхудииман" шеърида шоир инсонга олтиндан ҳайкал қўяди, инсонни ҳимоя қилади. Бу билан у жуда катта оламшумул низоларга сабаб бўлувчи тенгсизликка, миллатни, ирқни, динни камситишга қарши исён қилади. "Мен ҳам одамман", "Ва менинг қоним ҳам халқлардан зарра", "Инсон ирқиданман, инсон миллати" сўзлари замирида барча катта-кичик халқларни ҳам ҳимоя қилиш, ардоқлаш ва улуғлаш нияти бор.

Шоирнинг урушдан кейинги йилларида ёзилган "Вақт", "Сиеҳдон", "Алишер", "Ёз", "Поль Робсонга", "Фарғона учун", "Сен саломат бўлсанг бас", "Анор", "Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дустларим", "Кулол ва заргар", "Алишер Навоийнинг қабри устида", "Тун билан тонг" каби бир неча ўнлаб етук мумтоз шеърларини ўқувчи мутлақ қилар экан, миллий тафаккур ва миллий шuur, миллий ғурурнинг содда, равон, халқона ёзилган кўришида томир-томирига қадр сингиб бораётганини ҳис этади.

Таъкидлаш лозимки, шоир ўта мафуралашган, тарғибот йўсинидаги асарлар талаб қилинадиган, фикр ҳурлиги, суз эркинлиги бўғилган даврда яшаб ижод қилган бўлса-да, қалтириш вазиётларда ҳам ўзбек халқининг камситилаётган тарихи, маънавий ва маданий меросини улуғ бобокалонимиз ҳазрат Навоий сиймоси орқали тиклашга уринади, миллий тарихий мизни ғурур ва ифтихор билан, танлилик ҳамда жасорат ила тараннум этади. Шоир Навоийни эрк ва ҳурлик, саодат тимсоли дея улуғлайди:

*Дурҳашион юлдузлар сари ўқирган,
Бўйида занжир қалби овоз шер.
Инсоний муҳаббат меҳр ила вафо,
Эрку бахт тимсоли улуг Алишер.*

эканини таъкидлайди "Чирой" шеърини. Шеър якунида эса:

*Бахтим баланд бўлди бутун умримда,
Атлас замонамда мукамал чирой.
Ёқимли жамолнинг ўнгин, фикримда,
Ўзингдан, ақлингдан минг бор ўрғилай,*

дея лирик қаҳрамон ўзини ўзбек ёшларининг порлок истикболини яратиш учун умр бўйи курашган, фикру хаёлини, қаламини шу йул учун бахш этган жонқуяр шоир, миллат отаси сифатида намоён этади.

Айтиш жоизки, Ғафур Ғулумнинг кўпгина шеърларида шарқ донишманди — ота тимсоли мавжуд. Шоир "Соғиниш" шеъри орқали ўзбек адабиётига илк бора "ўзбек отаси" образини олиб кирди. Адиб ўзбек миллатининг чуқур илдизларини мадҳ этар экан, уни назарга илганларни беаёв танқид қилади:

*Бизда логарифмнинг
Мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай*



*Осон қилинганда ҳал,
"Олий ирқ" даввогари,
Черчилнинг болалари
Ҳатто санай олмасди.
Ун бармоқни мукамал. ("Шараф қўлёмаси", 1949 й.)*

Ғафур Ғулум тарихий шароитни шунчаки тасвирламайди, балки уларнинг ҳозирги кун билан боғлайдиган ришталарини яратди ва китобхон қалбига туташтиради.

Шоирнинг "Иигитлар" шеърига назар солар эканмиз, юртнинг келажаги, миллатимизнинг, наслимизнинг давомчилари бўлиши ийгитларга катта ишонч билдириши, уларни ватанпарварликка ундашига ғувоҳ бўламиз:

*Йигитлар халқларнинг мактовни —
қўрқ,
Наслнинг жавҳари —
давлат таянчи.
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элинг гурқираши, файзи, қувончи.*

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2735.
42210 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ёлбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100209, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:50 Топширилди — 23:55

Мозий — ҳақиқат тарозиси



Махмудхўжа Бехбудий "Тил масаласи" мақоласини "Ойна" журналининг икки сонидида чоп этилади. Мақолада XX аср бошида Туркистон ўлкасида она тилининг ҳолати, асрлар давомида форс ва араб тилларининг унга таъсир этгани, туркий тилининг аслиятини сақлаш ва бу борада чуқур ўйланган, узоқ муддатли ишлар олиб бориш лозимлиги каби масалалар атрофлича таҳлил қилинган.

ТИЛ ВА МИЛЛАТ

ФИДОЙИСИ

Саидфазл САИДЖАЛОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси

Махмудхўжа Бехбудий диний ва дунёвий билимлар соҳиб, ўз асарларида даврнинг ўткир муаммоларини кўтарган ва уларга таҳлилий муносабат билдирган, умрининг охиригача дамларигага миллат қайғуси билан ҳаёт кечирган Ватанинг фидойи ўғлонидир. У ўз даври ўзбек мутафаккирларининг чинакам пешвоси бўлиб тарихга кирди.

Аллома меросига чуқур назар ташлаган киши унинг фаолияти дин, фалсафа, тарих, жамиятшунослик, тилшунослик, география, иқтисод, сивасатунослик каби турли соҳаларни қамраб олганига ғувоҳ бўлиши табиий. Бунини қуйидаги уч омил билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, аллома яшаган даврда Туркистон ўлкасида илм-фан тараққиётида қолоқлик кузатилгани уни илм-фаннинг барча соҳаларига бирдек эътибор қаратишга мажбур қилган. Иккинчидан, тарихий манбаларда Бехбудийнинг ўткир заковат эгаси бўлгани эътибор қилинади. У ўзи киришган соҳасини тезда ўзлаштириб олди. Бу эса алломанинг турли фанлар моҳирлигини қисқа муддатда англаб, улардаги муаммоларни таҳлил қилиш имконини берган.

Учинчидан, Махмудхўжа Бехбудий чинакам миллат фарзанди, тараққиётпарвар шахс бўлгани учун халқнинг бирор муаммосини четлаб ўта олмас эди. Шунинг учун ўз асарларида, мақолаларида ва маърузаларида XX асрга қадам қўйган Туркистон халқларининг барча муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилди.

Президентимиз жорий йил 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбирдаги сўзлаган нутқида Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат сингари жаҳид мутафаккирлар ҳаракати ўз даврида Учинчи Ренессансга айланган эҳтимомли бўлганини, лекин бу ҳаракат қўллаб-қувватланмагани сабаб қўзланган мақсадга эришилмаганини қайд этди.

Мутафаккир изланишларини давом эттириб, "Сарт сўзи маълум бўлмади" мақоласида Бехбудий ўша пайтда туркий халқларга нисбатан ишлатилиши ёйла бошлаган "сарт" сўзининг келиб чиқиши, этимологиясини таҳлил қилиб, бундай сўзни ишлатиш хато эканини асослаб беради.

Дарҳақиқат, Бехбудий сингари фидойиларимизнинг орзулари амалга ошганида Учинчи Ренессанс воқеликка айланган, халқимиз мустақил тазумининг салбий таъсирга тушмаган, балки XX аср бошидаёқ мустақилликка эришган бўлар эди, деган хулосага келишга тарихий асослар етарли.

Адиб ўз асарларида кўтарган муаммолардан бири она тилининг тараққиёти масаласидир. 1913 йилда "Ойна" журналининг 1-сонида "Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласини эълон қилди. Кейинчалик, 1914 йилда "Ойна" журналида "Сарт сўзи маълум бўлмади", 1915 йилда эса "Тил масаласи", "Сарт сўзи мажҳулдир" каби мақолаларни эълон қилди.

Уларда она тилининг ҳолати, унга турли хорижий тиллар таъсири, адабий ва шевава сабабли юзага келаётган муаммолар, миллат тараққиёти учун бир неча хорижий тилларни пухта ўзлаштириш зарурлиги каби мавзуларни илгари суради.

Алломанинг она тили муаммоларига бағишланган мақолалари яхлит бир тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилган. Эътиборли жиҳати, улар мантиқий жиҳатдан узвийлиқни ташкил қилади. Тарихийлик асосида уларнинг мазмунини ҳақиқат баҳс юритамиз.

"Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласида муаллиф туркистонликлар, асосан, ўзбек тилида гаплашса-да, тақдир тақозоси билан улар қадимдан араб ва форс тилларига доим эҳтиёж сезгани, дин илмини билиш учун араб, адабиёт ва мадраса муҳити моҳирлигини англаш учун форс тилларини, шунингдек, классик туркий тилни билишлари зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, Чор Россияси билан тарихий алоқалар шаклланиши учун рус тилини ўрганиш муҳимлигини асослаб беради.

Мутафаккир изланишларини давом эттириб, "Сарт сўзи маълум бўлмади" мақоласида Бехбудий ўша пайтда туркий халқларга нисбатан ишлатилиши ёйла бошлаган "сарт" сўзининг келиб чиқиши, этимологиясини таҳлил қилиб, бундай сўзни ишлатиш хато эканини асослаб беради. Мазкур мақола "Садоий Фарғона" газетасида чоп этилган "Сарт сўзи маълумдир" номли мақолага раддия сифатида битилган. Аллома "сарт" сўзига қарши чиқиши, уни туркий халқларга нисбатан ишлатиш мумкин эмаслиги борасидаги қатъий хулосаси ўз даврида турли баҳс-мунозараларга, эътирозларга сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

1915 йилда Бехбудий "сарт" масаласига қайтиб, "Ойна" журналининг бир неча сонларида "Сарт сўзи мажҳулдир" сарлавҳаси остида туркум мақолалар чоп этади. Мазкур мақолаларда мутафаккирнинг тарих ва тилшуносликни чуқур билиши яққол намоён бўлади. Якунда мутафаккир 13 банддан иборат



илмий асосларни баён қилади ва уларга "Шўро" журналида босилган Бақоҳужа Самарқандийнинг 9 илмий асосини қўшади. "Сарт сўзи мажҳулдир" мақоласини ўқиган киши Махмудхўжа Бехбудийнинг турли тилда ёзилган манбалардан моҳирлик билан фойдаланганига ғувоҳ бўлади. Мақолада бир неча асрлик тарих тилга киради.

Мазкур мақолалар орасида она тили муаммоларига бағишланган ва чуқур таҳлилий хулосалари билан яққол ажралиб турадигани, шубҳасиз, "Тил масаласи" мақоласи ҳисобланади.

Махмудхўжа Бехбудий "Тил масаласи" мақоласини "Ойна" журналининг икки сонидида чоп этилади. Мақолада XX аср бошида Туркистон ўлкасида она тилининг ҳолати, асрлар давомида форс ва араб тилларининг унга таъсир этгани, туркий тилининг аслиятини сақлаш ва бу борада чуқур ўйланган ва узоқ муддатли ишлар олиб бориш лозимлиги каби масалалар атрофлича таҳлил қилинган.

Махмудхўжа Бехбудийнинг серқирра ва сермазмун мероси, унда кўтарилган долзарб масалалар аср ўтибдики, хануз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уни ўрганиш, алломанинг орзу-армонларини рўёбга чиқариш биз, авлодларнинг тарихий масъулиятимиздир.